

“Сув хўжалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

1-Мавзу: Сув хўжалиги менежменти фанининг предмети, мазмуни, мақсад ва вазифалари

1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Менежмент тушунчаси, мазмуни сув хўжалигида тутган ўрни. 2. Сув хўжалиги менежменти фанининг мақсад ва вазифалари. 3. Сув хўжалигида менежмент назариясининг мазмуни. 4. Менежмент объекти ва субъекти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Сув хўжалиги менежменти фанининг предмети, мазмуни, мақсад ва вазифалари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - сув хўжалиги менежменти фанининг мақсади ва вазифаларини тушунтириш; - сув хўжалиги менежменти фанининг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шакллари тавсифлаш; - менежмент, менежер, рахбар, тадбиркор тушунчаларини таърифлаш; - бошқарув жараёни ва менежер вазифалари моҳиятини тушунтириш; - бошқариш жараёнини амалга ошириш йулларини тушунтириш; - бошқариш вазифалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича тасаввур ҳосил қилиш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сув хўжалиги менежменти фанининг мақсади ва вазифаларини изоҳлайди; - сув хўжалиги менежменти фанининг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шакллари айтиб бера олади; - менежмент, менежер, рахбар, тадбиркор тушунчаларига таъриф бера олади; - бошқарув жараёни ва менежер вазифалари моҳиятини изоҳлайди; - бошқариш жараёнини амалга ошириш йулларини айтиб бера олади; - бошқариш вазифалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш.Гуруҳ билан ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория


Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Уқув предметнинг номини айтади. Фан тугрисида илк умумий тушунча беради, ишни фан доирасидаги услубий ва ташкилий хусусиятларини очиб беради.</p> <p>1.2. Уқув фанининг мантикий-тизимли тарзда мавзулар кетма - кетлигини маълум қилади, Фаннинг рейтинги, жорий баҳолаш, оралик баҳолаш ва якуний баҳолаш мезонлари билан таништиради.(1-илова) Асосий адабиётлар руйхати билан таништиради (8- илова)</p>	Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (20 мин.)	<p>2.1. Билимларни долзарблигини ошириш мақсадида саволлар беради: Менежмент жараёни деганда нимани тушунаси? Менежментга хос қандай атамаларни биласиз? Бошқарув жараёнини амалга оширишдан мақсад? Менежер билан тадбиркор қандай хусусиятлари билан фарқланади Бозор иқтисодиёти шароитада менежернинг роли қандай?</p> <p>2.2. Жавобларни умумлаштирган ҳолда фаннинг мақсади, мазмунини визуал материаллар ёрдамида тушунтиради. Ушбу фандан олинган билим ва қуникмаларини амалиётда ва битирув малакавий иш ёзишда қўллашлари мумкинлигига урғу беради.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 1-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади, мустақил ишлаш учун саволлар ва топшириқлар беради. (6-7 иловалар)	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

Баҳолаш мезонлари:Талаба «Сув хўжалиги менежменти» фани буйича тўлиқ баҳоланади

40 балл –жорий баҳолаш
30 балл – оралик баҳолаш
30 балл – якуний баҳолаш

Визуал материаллар



Менежмент -фойда олиш мақсадида кишиларни бошқариш

Бошқарув -субъектнинг маълум натижаларга эришиш учун бошқарув объектига бевосита мақсадли таъсири жараёни

Усуллари – мақсадга эришиш учун бошқарув субъектларига таъсир этиш усуллари

1. Иқтисодий (ишлаб чиқаришга оид)
2. Маъмурий
3. Ижтимоий-руҳий (тарбиявий)


Вазифалар – бошқарув ишидаги фаолиятнинг махсус турлари

- режалаштириш
- лойиҳалаш
- прогнозлаш
- тартибга солиш
- ташкил этиш
- назорат ва ҳисоб
- ахборот тўплаш ва таҳлил этиш
- мувофиқлаштириш
- рағбатлантириш

Сув ҳўжалиги менежменти объекти ва субъекти

Объекти (бошқарилувчи ходиса, воқелик)	Субъекти (бошқарув органи, раҳбарлик)
Мамлакат (республика)	<ul style="list-style-type: none"> • Кунун чиқарувчи ҳокимият (Олий мажлис) • Ижро этувчи ҳокимият (Уз.Р Вазирлар Маҳкамаси)
Вилоят	<ul style="list-style-type: none"> • Суд ҳокимияти • КҚР Жоқарги кенгаши ва вилоят депутатлари • КҚР Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари • КҚР Олий суди, вилоятлар судлари
Туман (шаҳар)	<ul style="list-style-type: none"> • Туман (шаҳар) халқ депутатлари • Туман (шаҳар) лар ҳокимликлари • Туман (шаҳар) судлари
Концерн (куп корпорация) Сектор (тармок)	<p>II. Макродаражада</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кумиталар ва уларнинг раислари • Вазирликлар ва вазирлар
Корхона (фирма), корпорация Ходимлар Ишлаб чиқариш Самарадорлик Ўз-ўзини бошқариш	<p>III. Микродаражада</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Жамоа кенгаши ва раислар, президент 2. Корхона (фирма) раҳбарлари, бугин бошликлари 3. Корхона (фирма) раҳбарлари, бугин бошликлари 4. Корхона (фирма) раҳбарлари, бугин бошликлари 5. Фуқаролар йигини, раис (оксоколлар) лар

Бошқарув вазифалари



Мавзу бўйича хулоса

Менежмент инсонларни онгли меҳнатга, тадбиркорликка қизиқтириш, ишга масъулиятлилигини назорат қилиш, уларни билим ва кўникмаларини фаолиятга ижобий таъсир кўрсатишини таъминлаш рағбатлантиришни ташкил этишдир. Бу фанни предмети ҳам хўжалик юретишнинг барча бўғинларида бошқаришни ташкил этиш шакллари, услубларини ифодаловчи назарий ва амалий тамойиллари мажмуидан иборат. Менежмент усулларини пухта эгаллаган, қўллай биладиган раҳбар шу фаолиятни самарали бошқаришда нафақат ишлаб чиқаришда қолаверса, бутун иқтисодий ривожланишида катта таъсир кўрсатади. Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси деб таъкидлайди Президентимиз Ислон Каримов “ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига оладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, иймони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборат”.

7-илова

Муҳокама ва хулосаларни шакллантириш учун саволлар

1. Сув хўжалиги менежменти фанининг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг?
2. Ишлаб чиқариш воситалари ва унинг сув хўжалигини бошқаришдаги ўрни нималардан иборат?
3. Менежер ва тадбиркор қандай хусусиятлари билан фаркланади?
4. Сув хўжалиги менежменти объекти ва субъекти нималардан иборат?
5. Асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнининг бир-биридан фарқи?
6. Бошқарув муносабатлари деганда сиз нимани тушунаси?
7. Ёрдамчи бўлинмалар хизматидан фойдаланишдан мақсад нима?
8. Сув хўжалиги ташкилотлари қандай объектларни қуришга ихтисослашган бўлади?


8-илова

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. И.Каримов .Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010 .- 50-60 б.
2. И. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.–Т: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
3. И.Каримов “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш –барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Халқ сўзи газетаси. 2008 йил, 9 феврал.
4. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2002.-250 б.
5. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.-450 б.
6. Мескон М., Альберт М., Франклин Х. Основы менеджмента. М.: Дело, 2002.-470 с
7. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. 3- изд.- СПб Питер, 2009.- 60-80 с.
8. Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 160 с.

1-Топширик. Нима учун ҳозирги вақтда халқ хўжалигида, хусусан ишлаб чиқаришда корхоналар орасида рақобатбардошлик тушунчасига катта эътибор берилмоқда?

“Нима учун” схемаси



2-Топширик: Асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнининг бир-биридан фарқи?

Фарқлар	
Асосий ишлаб чиқариш	Ёрдамчи ишлаб чиқариш

Сув хўжалиги ташкилотларига таъсир этувчи омиллар	
Ички омиллар	Ташқи омиллар

3-Топширик: Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?
Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Ишлаб чиқаришни бошқаришда менежерлар қандай принципларга амал қилмоғи лозим? Сизнинг фикрингиз?
(Ф) -Фикрингизни баён этинг	
(С) -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У) -Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.